

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
3 СОН, 3 ЖИЛД

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
НОМЕР 3, ВЫПУСК 3

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 3, ISSUE 3



Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Таҳрир хайъати:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Маҳмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек
масбул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Муҳаммаджон
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тўхтасинов Илҳом
к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайжан)

Бақиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Маҳмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек
отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ilhom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшуослик

1. Sattorova Zilola “DEVONI LUG‘ATI-T –TURK”DA QO‘SHIQ JANRI.....	5
2. Бабаджанова Назокат ИЗУЧЕНИЕ ЭПИЧЕСКОЙ РАССКАЗЫ "ЮСУФ И ЗУЛЕЙХА" НА ТУРЕЦКОЙ НАРОДНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ.....	16
3. Аббосова Мехриноз ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ШЕЪРИЯТИДА РАМЗ ВА ТИМСОЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ.....	24
4. Пайзуллаева Раъно ВАТАНПАРВАРЛИК, МИЛЛИЙ ҒУРУР ТУЙҒУЛАРИНИНГ БАДИЙ ИФОДАСИ.....	28
5. Абдунабиев Суннат ИБН БАТТУТА ВА УНГА ЗАМОНДОШ БОШҚА САЙЁҲЛАРНИНГ АСАРЛАРИДАГИ МУШТАРАК ЖИҲАТЛАР.....	33
6. Бўриева Наргиза ШЕКСПИР СОНЕТЛАРИДА ХИКОЯ ТУРЛАРИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ.....	39
7. Расулова Сохиба ВАШИНГТОН ИРВИНГ ИЖОДИДА “АЛ- ҲАМРО” ТУРКУМИНИНГ БАДИЙ ТАҲЛИЛИ.....	45
8. Khamdamova Sitara MODERNISM IN WILLIAM BUTLER YEATS’ POETRY.....	53
9. Комилова Шахноза ХИТОЙЛИК ДАРМАТУРГ СЯ ЯННИНГ “ШАНХАЙ ТОМЛАРИ ОСТИДА” ДРАМАСИДА ДАВР МАНЗАРИСИ.....	59
10. Назарова Дилдора ЖАМОЛ КАМОЛ МУХАММАСЛАРДА УСЛУБ ВА ТАСВИР.....	66

Лингводидактика

11. Murodova Mutabar, Rustamova Maftuna DEVELOPING WRITING ABILITIES OF EFL STUDENTS THROUGH BLOGGING.....	72
--	----

Таржимашунослик

12. Мизрабова Жерен ҲАМЛЕТ ОБРАЗИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	79
13. Назаров Сардор ГЁТЕ “ФАУСТ” АСАРИ: БАДИЙ ОБРАЗЛАР ВА ҒОЯЛАР ИНЪИКОСИ.....	89
14. Рустамова Дилрабохон ТРАНСФОРМАЦИОННЫЙ МЕТОД ПРИ ПЕРЕВОДЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТЕКСТА.....	96
15. Юсупов Ойбек ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАЛАРИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАДҚИҚИ.....	102

Тилшунослик

16. Умарова Саида ҒАЙБУЛЛОҲ АС САЛОМ АСАРЛАРИДА ОККАЗИОНАЛ СЎЗЛАР ВА ОККАЗИОНАЛ ИБОРАЛАРНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ.....	108
--	-----

17. Базарбаева Альбина ПРОБЛЕМА ИЗУЧЕНИЯ ЦВЕТА В ЛИНГВИСТИКЕ.....	113
18. Базарбаева Альбина СТРУКТУРА КОНЦЕПТА ЦВЕТ.....	120
19. Шамсиева Шохистахон КЕКСАЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ (ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	128
20. Tursunova Nodirabegim FRAZEOLIGIK BIRLIK LARNING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI.....	138
21. Исламов Ўткуржон ТИЛ ВА НУТҚ ДИХОТОМИЯСИ ҲАҚИДА.....	144
22. Mukhamedova Nigora THE PROBLEM OF EXPRESSION NON-CATEGORICAL STATEMENTS IN LINGUISTIC TEXTS.....	152
23. Abdusalamova Lobar NATIONAL CHARACTER OF ENGLISH PEOPLE THROUGH THE PRISM OF CONCEPTS.....	159
24. Акрамов Мирмухсин ТАЛАБАЛАРДА МАТНЛАРНИ ИДРОК ЭТИШДА ПСИХОЛИНГВИСТИКАНИНГ ЎРНИ.....	165
25. Ахмедова Мехринигор ИНГЛИЗ ТИЛИДА “SPIRITUALITY” ЛЕКСИК КАТЕГОРИЯСИ.....	170
26. Ахунов Муқумжон СОПОСТАВИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА «БЕЗНРАВСТВЕННОСТЬ» В РУССКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ.....	176
27. Кодирова Зайнаб РЕКЛАМА МАТНЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	182
28. Қорабоев Жасур ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА МУБОЛАҒАЛАШГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ОККАЗИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРИНИНГ СТРУКТУРАЛ-ГРАММАТИК ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ.....	190
29. Қосимова Мадина КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА КОНЦЕПТ АТАМАСИ ХУСУСИДА.....	201
30. Нормаматова Дилфуза ИНГЛИЗ ТИЛИДА СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИНИНГ СИНТАКТИК ВА СЕМАНТИК ЖИҲАТДАН ИФОДАЛАНИШИ.....	206
31. Рустамов Дилшодбек ИНТЕРНЕТ МУЛОҚОТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	213
32. Юлдашева Дилором СУКУТ НУТҚИЙ МУЛОҚОТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА.....	221
33. Нигматова Лолахоҳ ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ.....	229

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Юлдашева Дилором Нигматовна,
Бухоро давлат университети ўзбек
тилшунослиги кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди
e-mail: diloromxon.68@mail.ru

СУКУТ НУТҚИЙ МУЛОҚОТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-3-32>

АННОТАЦИЯ

Нутқий мулоқот фикр баён қилиш жараёни бўлиб, шубҳасиз, кўп ҳолатларда лисоний имкониятларнинг ёзма ёки оғзаки шаклда моддий воқеланиши билан боғлиқ. Лекин лисоний бирликларнинг воқеланиши билан боғлиқ бўлмаган мулоқот турлари ҳам оз эмас. Шунга кўра мулоқот кўп ҳолларда вербал, яъни сўз, лисоний воситалар орқали ва новербал, сўзсиз – новербал восита(имо-ишора, ҳар-хил белги, нишона, рамз, символ оҳанг, сукут ва ҳ.)лар орқали ахборот бериш билан боғлиқ бўлиб, ўзаро таъсирига кўра вербал ёки новербал мулоқот сифатида тасниф қилинади.

Нутқий мулоқот деганда мулоқот жараёнида лисоний вербал ва новербал воситаларнинг (биргаликда) ҳамкорликда ишлатилиши тушуниладики, қуйида сўзсиз мулоқотнинг бир кўриниши сифатида баҳоланиши лозим бўлган сукут ҳамда у ифодалаган коммуникатив маънолар хусусида мулоҳаза юритилади.

Ҳар қандай фаолият ўзининг амалий қиммати билан аҳамиятли. Нутқ мулоқот фаолияти бўлганлиги учун унинг самараси ҳам нутқнинг таъсирчанлиги, маълум бир мақсадга эришганлиги билан белгиланади. Сўзловчи ва тингловчи (коммуникант)ларнинг бир-бирига таъсири, маълум мақсадни юзага чиқариш даражаси мулоқот жараёнининг амалий самараси ҳисобланади. Зеро, нутқий мулоқот оддий нутқ(лисоний имкониятларнинг муайян моддий шаклда воқеланиши)дан фарқланувчи, ўзининг мураккаблиги, вербал ва новербал, шунингдек, миллий, этик, эстетик, этнографик, психологик, ижтимоий каби таркибий қисмларнинг ўзаро уйғунлашувидан иборат бўлган ситуатив прагматик бутунликдир.

Сукут бирлигига ўта мураккаб, ўзига хос онийлик (ситуативлик), муайян коммуникантлар, замон ва макон, шарт-шароит, мақсад/сабаб ва оқибат билан узвий боғланган ўта қисқа бир замонда содир бўладиган прагматик система бўлган нутқий мулоқотнинг асосий таркибларидан бири сифатида қаралиши зарур.

Таянч сўзлар: нутқий мулоқот, ситуатив прагматик бутунлик, сукут, новербал восита

Юлдашева Дилором Нигматовна,
Доцент кафедры узбекского языкознания
Бухарского государственного университета,
кандидат педагогических наук

МОЛЧАНИЕ КАК КОМПОНЕНТ РЕЧЕВАЯ ОБЩЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

Вербальное общение – это процесс выражения идей, который, несомненно, часто связан с материальной реализацией языковых возможностей в письменной или устной форме. Но также существует множество видов общения, не связанных с наличием языковых единиц. Соответственно, общение часто связано с передачей информации вербальными, то есть вербальными, лингвистическими средствами, а также невербальными, невербально-невербальными средствами (жесты, различные символы, знаки, символы, тон голоса, тишина и т. д.). классифицируются как вербальное или невербальное общение в зависимости от их взаимодействия.

Вербальное общение относится к совместному использованию вербальных и невербальных средств (совместно) в процессе общения, далее следует обсуждение молчания и коммуникативных значений, которые оно выражает, что следует рассматривать как форму невербального общения.

Любая деятельность значима в своей практической ценности. Поскольку речь – это коммуникативная деятельность, ее эффективность также определяется результативностью речи, достижением конкретной цели. Взаимодействие говорящего и слушающего (коммуниканта), степень достижения определенной цели является практическим результатом коммуникативного процесса. Действительно, речевое общение – это ситуативное прагматическое целое, которое отличается от обычной речи (реализации языковых возможностей в определенной материальной форме) своей сложностью, вербальной и невербальной, а также взаимосвязью национальных, этических, эстетических, этнографических, психологических, социальных компонентов.

Речевое общение – это очень сложная, явная, мгновенная, очень краткосрочная прагматическая система, которая тесно связана с конкретными коммуникаторами, временем и пространством, условиями, целью / причиной и результатом, тишину следует рассматривать как одну из ее основных составляющих.

Ключевые слова: вербальное общение, ситуативная прагматическая целостность, молчание, невербальные средства

Yuldasheva Dilorom Nigmatovna,

Associate Professor of the Department of Uzbek
Linguistics Bukhara State University, candidate of pedagogical sciences
e-mail: diloromxon.68@mail.ru

SILENCE AS A COMPONENT OF SPEECH COMMUNICATION

ANNOTATION

Verbal communication is the process of expressing ideas, which is undoubtedly often associated with the material realization of linguistic possibilities in writing or orally. But there are also many types of communication that are not associated with the presence of linguistic units. Accordingly, communication is often associated with the transmission of information by verbal, that is, verbal, linguistic means, as well as non-verbal, non-verbal-non-verbal means (gestures, various symbols, signs, symbols, tone of voice, silence, etc.). are classified as verbal or non-verbal communication depending on their interaction.

Verbal communication refers to the sharing of verbal and non-verbal means (together) in the communication process, followed by a discussion of silence and the communicative meanings it expresses, which should be considered a form of non-verbal communication.

Any activity is significant in its practical value. Since speech is a communicative activity, its effectiveness is also determined by the effectiveness of speech, the achievement of a specific goal. The interaction of the speaker and the listener (communicant), the degree of achievement of a certain goal is the practical result of the communicative process. Indeed, verbal communication is a situational pragmatic whole, which differs from ordinary speech (the realization of linguistic possibilities in a certain material form) in its complexity, verbal and non-verbal, as well as the interconnection of national, ethical, aesthetic, ethnographic, psychological, social components.

Verbal communication is a very complex, explicit, instantaneous, very short-term pragmatic system that is closely related to specific communicators, time and space, conditions, purpose / cause and result, silence should be considered as one of its main components.

Key words: verbal communication, situational pragmatic integrity, silence, non-verbal means

Кишилиқ жамиятида инсонлар тилдан, асосан, коммуникатив бирлик сифатида фойдаланадилар. Зеро, тил нуткий мулоқот (дискурс) деб аталадиган, мохиятан кишиларнинг ўзаро фикр алмашилиш жараёни бўлган яхлитлик учун асосий воситадир. Шу ўринда мутахассислар нутқ бирлиги ҳамда мулоқот бирлигини фарқлайдилар. Жумладан, тилшунос олима Г.Тоированинг келтиришича, нутқ бирлиги деб лисоний бирликларнинг моддий шаклда (фонемани алоҳида нутқ товуши, морфемани алоҳида қўшимча, лексемани нутқда қўлланган сўзшакллар, ҳар хил модел ва конструкцияларнинг воқеланган, моддий шакл олган ясама сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплар сифатида) ёзма ёки оғзаки кўринишларда юзага чиққан, этносоциопсихологик омиллардан ҳоли ҳодисаларни атасак, мулоқот бирлиги деганда лисоний ва нолисоний (миллий, ижтимоий, руҳий, шароит билан боғлиқ, одатий ва ҳ.) омилларнинг мулоқот жараёнида биргаликда мураккаб бир ҳодиса сифатида воқеланиши ва мулоқот жараёнида маълум бир информатив-экспрессив функцияни бажариши тушунилади [9].

Демак, тил мулоқот бирлиги сифатида воқеланганда дикурсинг тўлақонли бўлишини таъминлаш учун нафақат лисоний, балки нолисоний омилларга ҳам эҳтиёж сезади. Чунки, одатда, ўзаро мулоқотга киришган кишилар нутқ жараёнидан муайян мақсад, манфаат ёки самарадорликни кўзлаши табиий ҳол. (Хаттоки бундан фатик (тасодикий, режалаштирилмаган) мулоқотни ҳам истисно, деб айтолмаймиз. Зеро, Р.О.Якобсон ўринли таъкидлаганидек, тил бирликларининг турли хил қуршов ва шароитларда қатор қўшимча вазибалар билан “пардозланган”, “безанган” ҳолда воқеланишини таъминловчи омиллардан бири фатик мулоқот[10] дир.)

Дискурсда мулоқот коммуникантларининг мақсади “Қайси бирликни мана шу нуткий шароит ва ҳолатда қўласак, самара кўпроқ ва таъсирчанроқ бўлади?” деган муаммога бориб тақалади. Табиийки, бундай самарадорликка фақат “лисоний имкониятлар”дан фойдаланиш асосидагина эмас, балки танланган лисоний воситани психик, физиологик, соф физик, этник, табиий каби ўнлаб нолисоний омиллар билан боғланишда қўллагандагина эришиш мумкин.

Бу борада Грайснинг “кам куч сарфлаб, кўп натижага эришиш, яъни маълум қилинаётган ахборот талаб даражасида бўлиши ва ортиқча маълумотни бермаслик мулоқот самарадорлигини белгилайди”[2,217-237], деган мулоҳазасини ҳам назардан қочирмаслик ва мулоқот жараёни таҳлили учун буларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Жумладан,

Мисол. Катта оқ салла кийган Хўжа Яҳё Шайбонийхон ўтирган тахтнинг олдиғача қадамларини майдалаган ҳолда, ўнг қўлини чап қўкси устига қўйиб, бошини эгиб, енгилгина таъзим қилиб борди.

Қироатга ўрганган жарангдор товуш билан:

–Ассалому алайкум, хон ҳазратлари, – деди. (П.Қодиров. Юлдузли тунлар. (Т.,1988.)–165-б.)

Мулоқот жараёнидаги “ўнг қўлини чап қўкси устига қўйиш”, “бошини эгиш”, “енгилгина таъзим қилиш” каби новербал ҳолатлар “сизга ҳурматим чексиз”, “сиз мендан юқоридасиз”, “содиқ қулингизман” каби ҳурмат билан боғлиқ ўнлаб мулоқот маъноларини юзага чиқаради[3;7]ки, бу “кам куч сарфлаб, кўп натижага эришиш”нинг ўзбекона

кўринишидир. Баъзан бундай ҳолат “сохта мулозамат”, “иложсизлик”, “мутелик” маъноларини ҳам қаватлаб келиши мумкин.

Мисол. – Гапирадиган гапмас... омонат бор, бериб қўйишим шарт.

Асадбек «Шариф бир нима қолдирибди-да», деб ўйлаб:

— Эртага соат ўнда идорага келинг. Идорани биласизми? — деди.

Насиба«ха, биламан», деган маънода бош ирғади.

— Юринг, уйингизга ташлаб ўтамиз, — деди Асадбек.

— Йўқ, раҳмат, — Насиба шундай деб тисарилди. — Мен... ҳали бу ерда ишим бор...

Гўрковга айтадиган гапим бор...

Асадбек аёлнинг ёлғон сўзлаётганини, уларнинг машинасига чиқишни истамаётганини сезди. (Т.Малик. Шайтанат. 4-китоб. (Т.,2008.)–112-б.)

Бадий матн мулоқот парчасидаги “бош ирғади”, “тисарилди” ҳаракатлари орқали “Сиз ишлайдиган идорани жуда яхши биламан”, “Сиз нопок одамсиз. Шу боис сизнинг машинангизда кетишни истамайман” каби маънолар юзага чиққанки, бу новербал воситалар орқали мулоқот жараёнида мулоқотдошнинг юзига айтиб бўлмайдиган ёки айтишга андиша қилинадиган гапларни бемалол ифодалаш имконини берган.

Мисол. – Қара, фикримиз бир ердан чиқди: мен ҳам ҳамкасбларимга шундай дедим. Аммо улар ишонишмаяпти. Уларни ишонтириш учун нима қилиш керак?

Асадбек елка қисдию, «билсанг ўзинг айт» дегандай унга қараб тураверди.

– Сен биз билан ҳамкорлик қилишинг керак. Тушуняпсанми? Ҳеч бўлмаса бир-иккита наркокурерни бизга тутиб берасан. Мулоҳазага ўрин йўқ. Кўнишга мажбурсан. Ҳар ҳолда ўғилларингни бекорга чиқармаяпмиз. Улар гаровда, билиб қўй!

Чиндан ҳам тортишиш, мулоҳаза юритишга фурсат йўқ эди.

– Ким билан боғланаман?

– Сен билан ўзимиз боғланамиз. Энди боравер. Уйингга қайтиб, тўйингни бошлайвер. Қўрқма, энди сен бизнинг ҳимоямиздасан.

Асадбек паст овозда «хайр» деб хонадан чиқди. Саломига алик олинмагани каби хайрлашишига ҳам лутф қилинмади.

Жамшид билан ўғилларининг савол билан қарашларига жавобан:

– Тезроқ бўлларинг, мен тоза ҳавода тураман, – деб ташқарига юрди. (Т.Малик. Шайтанат. 4-китоб. (Т.,2008.)–65-б.)

Нутқий мулоқот ўзига хос оний (ситуатив) прагматик системадир. Юқоридаги мисолда “елка қисиш”, “қараб туриш”, “саломига алик олмаслик”, “хайр демаслик”, “савол билан қараш” кабилар бир қатор лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиши ўрнида қўлланилган новербал мулоқот бирликлари. Ўқувчи (китобхон) парчани ўқир экан шу қисқа дискурсда новербал воситалар қуйидаги маъноларни ифодалаётганини яққол сезиб туради: “Мен буни билмайман ва билишни ҳам истамайман ёки буни билиш мен учун муҳим эмас” (елка қисиш), “Хўш, сен буни биласами? Билсанг, айт. Биз ҳам эшитиб қўяйлик” (қараб туриш), “Сен ҳурмат қилинадиган киши эмассан. Аслида, юзингга ҳам қарамаслигим керак” (саломига алик олмаслик), “Сен мен учун ҳеч кимсан. Сени асло ҳурмат қилмайман. Ҳурматга арзимаёсан. Гаплашиш учун тенгим эмассан” (хайрлашмаслик), “Ишнинг натижаси нима бўлди? Бу ёғига қандай йўл тутамиз? Хайрликми ё...?” (савол назари билан қараш).

Нутқий мулоқотнинг асосий вазифаси коммуникантларнинг бир-бирига таъсир ўтказишини тақозо этади[1;5’8;9]ки, бунда ижтимоий фаолиятнинг муҳим кўринишларидан бири сифатида нутқий мулоқот ўзига хос ўта қисқа муддатда муваққат бутунликни юзага келтиради ва оний (ситуатив) прагматик тизимни ташкил этади. Айтиш жоизки, мулоқот жараёнида коммуникантларнинг бирор ҳолати, ҳаракати йўқки, улар “гапирмаса”, “нимадир демаса”. Ҳаттоки уларнинг сукут сақлаши ҳам “индамасдан индаш”дир [4].

Дискурсда нолисоний ҳодисалардан бири бўлган сукут ҳамда унинг маъно ифодалаш хусусиятлари масаласига бироз тўхталамиз ва шу ўринда “Сукут қандай маъноларни ифодалай олади?” деган саволга имкон қадар жавоб қайтаришга ҳаракат қиламиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”[11]да бу сўз қуйидагича изоҳланган: **СУКУТ** [арабча –жимжитлик; гапирмаслик; камгаплик] 1 Кимсадан ёки ҳеч кимдан чурқ этган товуш, садо чикмай, жимлик ҳукм сурган ҳолат; сўзсизлик. Сукут қилмоқ. Сукут сақламоқ. Сукутга кетмоқ (ботмоқ, чўммоқ). Сукут – аломати ризо. (Мақол) Аҳмоққа жавоб – сукут. (Мақол)

2 айн **сукунат** 1 Тўрғайлар ухлашур ёвнан тагида, Дарё бўйларида – тўқайда сукут. Миртемир, Асарлар. Дунёда шундай кўшиқ борки, янграғнда олам бир дақиқа сукутга чўмади. “Саодат”.

Демак, **сукут** сўзи араб тилидан тилимизга кирган **сукун**, **сукунат** ва ўзбек тилидаги **сукунатли** ясама сўзи билан асосдош бўлиб, у нуткий мулоқот жараёнида ўзига хос прагматик қийматга эга лингвомаданий хусусиятларни ифода этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”(ЎТИЛ)да сукут сўзининг маъносини “жимжитлик; гапирмаслик... чурқ этган товуш, садо чикмай, жимлик ҳукм сурган ҳолат; сўзсизлик” тарзида ифодаланиши ўринли. Бироқ сукут сўзининг камгаплик деб изоҳланишига кўшилиб бўлмайди. Чунки халқимиз камгаплик сўзини сиполик, босиқлик, вазминлик сўзлари билан бир қаторда ишлатади. Жумладан, Бу одамнинг табиатига **камгаплик**, **сиполик**, **камтарлик** хос бўлса-да, бироқ кўзлари чакнаб турарди унинг. (Ўткир Раҳмат. Тиниқ туйғулар куйчиси. (Т., 2010.)

Шунингдек, айрим соҳага оид манбалардаги “араб тилидан кирган адабиёт, маънавият, шеърят каби сўзлар охиридаги -ат, -от кўшимчаси кўплик маъносини беради”, деган фикрга таянсақ, сукунат сўзи ҳам сукутнинг кўплиги(ортиқлиги)га ишора этади. (Агар ўзбек тилида мавҳум отлар фақат бирликда қўлланилишини, уларнинг кўплик шакли мазмунан тур, хил ёки умумлаштириш маъносини бериши инobatга олинса, сукунат сукут ифодалаган коммуникатив мазмун турларининг умумлашма номи дейиш мумкин.) Замонавий ўзбек бадий матнларида **сукут** сўзи кўпроқ кишиларга нисбатан, **сукунат** сўзи эса макон ва замонга нисбатан ишлатилишини кузатамиз. Масалан,

1.«Зулмат – кризисмиди? Менга нима бўлди ўзи? – деб ўйлади Солиев. – Бомба портламаган эди. Йигитлар киришганди. Балки ўшандан кейин портлагандир? Ёнимдаги яраланганлардан биттасими? Бошқалари қани?»

Тили гапга айланиб, буларни сўраганида ҳам ҳамшира жавоб қайтара олмас эди. Ҳамшира ён томондаги беморнинг ҳолидан хабар олгач, чиқиб кетди. Ҳамшира киргач, қайси бир бурчакка биқиниб олган **сукунат** у чиқиб, эшик ёпилиши билан яна хонага ўз ҳукмини ўтказа бошлади.

Солиевнинг бахтига бу сафар кулоқлари шанғилламади. Аҳён-аҳёнда даҳлиз томондан соатнинг чиқиллашини эслатувчи узук-узук, ожиз-ожиз товуш **сукунат** ҳукмига зарба бериб турди. Хаёллари аста-секин тиниқлаша бошлаган Солиев зулмат дунёсига кириш арафасидаги воқеаларни эслади. (Т.Малик. Шайтанат. 4-китоб. (Т.,2008.) –51-б.)

2.Не-не сиру синоатлар шоҳиди бўлган, не-не синовларни бошдан кечирган кўҳна Бухоронинг қадимий обидалари атрофида бугун **сукунат** чўккан. Масжиду мадрасалар, карвонсаройлар, савдо тоқлари, сўлим Лабиҳовуз ва ҳатто Хўжа Насриддин ҳам "Уйда қолинг", деётгендек... (<http://xs.uz>)

3.Инсон фикрларини тўплаётган, амалларини кўздан кечираётган, ишлари ва аҳволи ҳақида ўйлаётган пайтда **сукут** қилиб туради.

4.Сукут – мўминлар, оқилларнинг белгиларидан бир белги бўлиб, Ислom дини инсонларни шунга буюрган. Аллоҳ таоло бандаларини **сукут**га буюрган, гапириш сабабли иқобга олишидан огоҳлантирган. (<http://muslim.uz>)

Сукунат сўзи келтирилган 1-мисолда шифохона палатасидаги, 2-мисолда “кўҳна Бухоронинг қадимий обидалари атрофида”ги жимжитликка ишора қилса, 3-4-мисолларда **сукут** сўзи кишиларнинг жим туриш ҳолатига нисбатан ишлатилган.

Мумтоз манбаларда эса сукунат сўзи кишиларга нисбатан ҳам қўлланилганлигини кузатамиз. Жумладан, шарқ мутафаккири Муҳаммад Содик Қашғарий яхши кишилар одоби ҳақида битилган китобида бу ҳақда шундай дейди: “... (яхши киши) ўзини беадабона сўздин ва феълдин ямон ҳаракатдин ва ноҳамвор (ноўрин) **сукунат**дин сақлагай.”

Биз диққатимизни, асосан, сукутнинг дискурсадаги ўрни билан боғлиқ жиҳатларига кўпроқ қаратамиз ва сукут билан сукунатни айнан бир тушунча деб ҳисобламаймиз.

Демак, мулоқот жараёнида сукут алоҳида ўрин тутати ва у ҳам нутқий вазиятдан келиб чиқиб, ўзига хос бир қанча маъноларни юзага чиқаришга хизмат қилади. Зеро, мулоқот жараёнида у ситуатив, социал ва психологик омиллар билан боғлиқ ҳолда коммуникатив мазмун ифодалайди. Андижонлик олим Маъмуржон Саидхоновнинг “Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар” китобида (Т.: Фан, 2008) сукутни “муомалавий мазмунга эга” ва “муомалавий мазмунга эга бўлмаган” турларга ажратади. Кузатишимизча, “муомалавий мазмунга эга” сукут нутқий мулоқот жараёнида элликка яқин маъноларни юзага чиқарадики, энг аввало, ундан, яъни сукутдан ҳам ўринли фойдаланмоқ зарур. Улуғларимиздан Саъдий Шерозий сукутдан ўринли фойдаланиш хусусида шундай деган эди:

Оқиллар наздида гар ўлтириш одобдир,
Маслаҳат ташлаганда сўзга кўрсатиш ҳиммат.
Икки нарса ақлга сиғмайди агар билсанг,
Сўзлаш пайтида **сукут**, кераксиз жойда суҳбат.

Сукут сақлаш ўзига хос ижтимоий қимматга эга. Буни, масалан, дил розини айтиш, ўтганларни хотирлаш, хафа бўлиш, аразлаш ва менсимаслик ҳолатларида, кесатиқ ва киноя кабиларда кўрамиз. Биз юқорида (кузатувларимиз асосида) “муомалавий мазмунга эга” сукут нутқий мулоқот жараёнида элликка яқин маъноларни юзага чиқаришини таъкидладик. Уларнинг баъзилари хусусида тўхталиб ўтамиз. Чунончи,

исён маъноси: Қизча болаларга хос қайсарлик билан бошини эгганча жим турар, **унинг сукутида**, бутун хатти-ҳаракатида **нимагадир қарши сўзсиз исён бор** эди. (Мирмуҳсин, Умид. (Т., 1981.)

Бироқ қалбидаги ва умуман вужудидаги ҳаловатга, **сокинликка** нимарсадир ҳалал бераётганлигини сеза бошлаганди. Шул боис бу ҳолатни қалб кўзи ила тафтиш қилмоққа тушди. Филҳақиқат, бу илм кошонаси бўлмиш расадхонада кўз илғамас, кулоқ эшитмас бир ғалаён, балки исён мавжуд эди. Уни фақатгина уйғоқ қалб ила кўрмоқ, ҳис қилмоқ мумкин. Эҳтимол Хайёмнинг таъсиримиди, ҳар тугул бу ерда, ундаги одамларда, хаттоки **одамларнинг сукутида ҳам жазава, ғалаён бор**дек эди. Ғазолий буни сезиб турарди, бироқ уларнинг ўзлари пайқамасдилар. (Наби Жалолиддин, Оралиқ. (www.nabijaloliddin.uz.) 175-б.)

тушунмаслик маъноси: Сукут сақламоқ ҳамма вақт ҳам ақллиликдан дарак **беравермайди**, аммо билганингни шақиллаб гапира бериш–ўз обрўйингни пақирлаб тўкиш демак. (Мирмуҳсин, Умид. (Т., 1981.)

таҳқирлаш маъноси: Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидан олинган куйидаги парчада сукут таҳқирлаш мазмунини англатади: “... Отабек бу чўлтоқ супургини таниди ва унинг истехзоларини англаб, маъносиз бу саволларга жавоб бериб ўлтуришдан **сукутни** хайрлик топди. Гўё ўзининг бу **сукути** билан Мусулмонкулга маънолик бир жавоб қилар эди. **Мусулмонкул бу сукутдан таҳқирланди**, тутуни кўкка кўтарилар экан бақирди:

–Нега жавоб бермайсиз?!”

хурмат маъноси: Туркман ва кавказ халқлари одатига кўра, келинлар маълум муддат (асосан, фарзанд кўргунларига қадар) қайнона ва қайноталарига гапирмаслик, яъни хурмат маъносини ифодалаши сукут ифодалайдиган коммуникатив мазмунлардан биридир. Зеро, у таҳқирлашнинг акси, яъни хурмат белгисидир. Ёки соф шарқона тарбиядаги ўзбек оилаларида, айтайлик, турмуш ўртоғини узоқ сафарга жўнатаётган келин қайнонаси, қайнотаси ёки, умуман, ёстикдошининг қариндошлари олдида хўжайини билан хайрлашмай (бутун туйғуларини жим туриши ортига яшириб) сукут сақлаб тураверишида ҳам оила аъзоларига, ҳам қариндош-уруғларига хурмат-иззат маъноси аёлнинг ҳаё-ибоси билан қоришиқ бўлади.

“индамасдан индаш” маъноси: Сукут мулоқот жараёнида (табиий тарзда) сўзловчини тингловчига, тингловчини эса сўзловчига айланиш жараёнини юзага келтиради. Шунинг

учун, ўзбек нутқ одобига кўра, ўринсиз ёки бемаъни саволга сукут билан жавоб бериш, уни эшитмаганга олиш, суҳбатни бузмаслик юксак маданият намунаси ҳисобланади. Бу ҳолатни ўзбек шоири Мирза Кенжабек “ибодатнинг бир кўриниши” деб айтади:

Ибодатдир бирор золим – жафокорга десанг ҳақ сўз,

Ва **нодонга сукут этсанг, сукунат ҳам ибодатдир.**

Ҳазрат Жалолиддин Румий талқинида «севикли дилдор»нинг ошиқ дил розига сукут этиши (фикримизча, бу шарқ хотин-қизларининг одоб юзасидан ризоликларини сукут орқали билдиришлари) жавобнинг ўзидир:

Дардим эшитиб, **этса сукут дилдорим,**

Шул жимлиги менга минг жавобдир, жавоб. (Ж.Румий)

Халқ мақолларида, афоризмларда қўлланилган қуйидаги мисолларда ҳам “индамасдан индаш” маъноси сезилиб туради: Аҳмоққа жавоб – **сукут** (Мақол); Доно шунчалар узоқ **сукут** сақладик, нодон гапиравериш ҳолдан тойди. (https://telegram.me/hayot_saboqlari)

шубҳа-гумон маъноси: У Райҳонани топмоғига айна дамгача қаттиқ ишонарди. Уч кунлик ҳордиқ қор қилиб, шуури тиниқлашгач, ўзини алдангандай сезди. Айниқса, **бу ердагиларнинг мудом жимлиги уни иштибоҳу гумон чангалига етакламоқда** эди. Юрагини ваҳм босди. Бу **сукутнинг адоғи борми ўзи?** Нега уни ташлаб қўйдилар? Ҳозир чиқади-ю карвонсарой хожасини топади. Не муддаони кўзлайдур бу найнов, билсинчи. У шахд ўрнидан кўпди. (Наби Жалолиддин, Оралик. (www.nabijaloliddin.uz.) 204-б.)

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Сукутнинг “муомалавий мазмунга эга бўлмаган” турига мулоқот жараёнидан ташқаридаги ҳолатлар (масалан, Дунёда шундай кўшиқ борки, янграганда бутун олам сукутга чўмади каби) мисол бўла олади.

Диний, баъзи дунёвий манбаларда сукут “яхши сўз”га, “ақллилик белгиси”га тенглаштирилади. Масалан, Қуръони Каримда шундай оят бор: “... иймон келтирган киши яхши сўзларни сўзласин ёки **сукут сақласин**” ёки “**Ким сукут сақласа, нажот топади**”, “Ҳаммани йикитадиган паҳлавон кучли эмас, балки, ғазаб келганда ўзини қўлга оладиган (сукут сақлайдиган) киши кучлидир” каби ҳадислар ҳам мавжуд.

Халқ донолигида: “**Сукут** доноликдандир”, “**Сукут** – донишмандликнинг бошланиши”, “Ақлнинг гўзаллиги – фикр билан, Руҳнинг гўзаллиги – шукур билан, Тилнинг гўзаллиги – **сукут** билан, Қалбнинг гўзаллиги – зикр билан” каби мақолларга дуч келсак, манбаларда “Баъзан **сукут** ҳақиқатдан афзал бўлиши мумкин” ёки “Тинглаш ва **сукут** сақлаш сизни донишмандликка етаклайди” сингари афоризмларни ҳам кузатамиз.

Демак, азал-азалдан халқимиз сукутни донишмандлик, ақллилик, иймонлилик, тил гўзаллиги сифатида эътироф этган. Бироқ нутқий мулоқот жараёнида сукут ҳамиша ҳам ижобий характер касб этавермайди. Масалан, “Сиз **сукут** сақласангиз, дунё ҳам сизга **сукут** сақлайди” (Афоризм); “Мозор узра сукут этарлар...” (А.Орипов); “Сукут ўлдиради” (Мақол) ва ҳ.

“Сиз **сукут** сақласангиз, дунё ҳам сизга **сукут** сақлайди” афоризмида: “Ҳой инсон, агар сен жим тураверсанг, овозингни эшитмаганлар сенинг бор ёки йўқлигингни билмасалар, охири сени эсдан чиқаришади. Оқибат, сени дунё унутади. Шунинг учун ҳаётда жўшиб яша”, деган мантиқ мужассам бўлиб, у бевосита меъёридан ортиқ сукут сақлаган кишига нисбатан қўлланилади.

Абдулла Ориповнинг “Оилада туғилса гўдак...” деб бошланувчи шеърида “Азалилар кўрса ёмон туш Мозор узра сукут этарлар...” мисралари орқали “Одам яқинидан ажралганда мотам либосини кияди, азадор бўлади. Азалилар ёмон туш кўрса, одатда, яқинлари қабри бошида (ичлари ёниб турса-да) сукут сақлаб зиёрат этадилар. Хўш, дўстлик ўлса-чи?! Уни қаерга кўмиш керак? Унинг қабри қаерда бўлади? Зеро, ажрашган дўстларнинг қайта учрашиб қолиши азадорнинг ёмон туш кўриши каби. Дўстликдан ажраб қолган “азадор дўст” “ёмон туш”ини айтгани қаерга борсин...” каби инсон руҳиятининг энг чигал, имконсиз ҳолатини ифода этади. Ва “марҳумларга аза очиб, либосларини кўкка

бўяган азадорлар”нинг “мозор узра сукут этишлари”ни ўзининг “ички хайкирик”қа, “надомат”га айланган “бевафо дўст”га нисбатан сукутига метафорик йўл билан кўчиради.

Дўстлар, айтинг, дўстлик сўнганда

Қандай йиғлаб, қандай киярлар?

Азалилар кўрса ёмон туш

Мозор узра сукут этарлар.

Тирик туриб, қайта келсанг дуч,

Унда охир, қайга кетарлар...

“Сукут ўлдирди” мақоли, одатда, инсон кимдандир қайсидир гапни, хабар, муждани кутаётганда сўзловчи коммуникантнинг сукут сақлаши тингловчи коммуникантга салбий таъсир кўрсатиши, хатто уни ўлдирар даражага олиб боришини ифодалайди.

Билъакс, сукут – индамасдан индаш, сўзламасдан сўзлаш, қалб хайкириғи, нодонга ақлли жавоб. Баъзан у нодонлик белгиси бўлиши ҳам табиий ҳол. Шундай экан, нуткий мулоқотда сукут ифодалаган информаион қиймат (бировнинг дилини оғритмаслик омили; суҳбатдошни таҳқирлаш, менсимаслик қуроли; яширин қаҳр-ғазаб ва таажжуб; шахснинг маънавий камолоти белгиси; кўркув, ожизлик нишонаси ва ҳ.) таҳлили кўрсатадики, сукут лингвوماънавий бирликлар сирасидан ўрин эгаллай оладиган нолисоний мулоқот бирлигидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Винокур Т.Г. Говорящий и слушающий. Варианты речевого поведения. -М., 1993.-С.11.
2. Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистики. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – Москва: Прогресс, 1985. –С. 217-237.
3. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Филол.фан. номз..... дисс. автореф.– Самарқанд, 1993. – 26 б.
4. Yuldasheva D. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (O‘zR OO‘MTV darslik sifatida tasdiqlagan). –Т., 2020. – 375-377-б.
5. Yuldasheva D., Yusupova D. Halima Xudoyberdiyeva she’riyati lingvopoetikasi. – Международное издательство “Globe international Publishing Group” ISBN: 978-620-0-60879-6.– 2020.–125 с.
6. Yuldasheva D., Ashurbayeva R., Asadova Sh., Yusupova D. Use of an Integrative Research on the Education System. Scopus: International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8 Issue-4, November 2019.– Pag.7661-7664.
7. Мўмин Сиддик. Сўзлашиш санъати. – Фарғона: Фарғона, 1997. –100 б.
8. Sayfullayeva R., Abuzalova M., Mamadaliyeva N., Yuldasheva D. Tilshunoslikka kirish (O‘zR OO‘MTV darslik sifatida tasdiqlagan). –Т., 2020. – 51-56-б.
9. Тоирова Г.И. Ўзбек нуткий мулоқотида системавийлик, информативлик: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.– Тошкент, 2017. – 50 б.
10. Якобсон Р. О. Лингвистика и поэтика. Библиографическая информация: // Структурализм “за” и “против”.– М., 1975. – 230 с.
11. www.ziyouz.com kutubxonasi Ўзбек тилининг изоҳли луғати. «С» ҳарфи.–585-б.

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
3 СОН, 3 ЖИЛД

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
НОМЕР 3, ВЫПУСК 3

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 3, ISSUE 3

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000